



## ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА БЛОГЕРЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эламонов Султонбек Мансурович  
ИИВ Академияси 3-ўқув курси курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, уларни такомиллаштириш чора тадбирлари ўзаро ва бошқа субъектлар билан ҳамкорлигини тартибга солувчи нормалар, қолаверса фаолиятга доир муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ОАВ, оммавий ахборот воситалари, телевидение-радио, ахборот, жамоатчилик, “ тўртинчи хокимият ”.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган, лекин ушбу ҳамкорлик ҳар томонлама ташкилий ва ҳуқуқий жихатдан етарли даражада мустаҳкам кўринишга эга эмас. Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармон ва қарорларида, Ички ишлар органлари тўғрисидаги, Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунларда кўрсатилган талаблар ва қоидалар асосида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иш-тирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ваколатлари белгиланган бўлиб, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ваколатлари унинг 10-моддасида ўз аксини топган.<sup>1</sup>

Мазкур қонунда профилактика (катта) инспекторининг ички ишлар органлари соҳавий хизматлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва иш-тирок этувчи давлат органлари ва муассасалари, маҳаллий хокимликлар ҳузуридаги комиссиялар, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, шунингдек, профилактика (катта) инспекторининг амалга оширган ишлари бўйича аҳоли олдигаги ҳисобот учрашувини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, хизмат фаолиятига оид ҳужжатлар ва уларни юритиш, ички ишлар органлари

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни



таянч пункти, уни ташкил этиш, таркибий тузилиши, моддий-техник таъминлаш, жиҳозлаш ва таъмирлаш тартиби, Ички ишлар органларининг таянч пункти фаолиятини ташкил этиш бўйича ички ишлар органи раҳбарларининг вазифалари батафсил кўрсатиб берилган.

Хукуқбузарликлар профилактикаси миллий тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёслиги,

биринчидан, уларнинг аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишдаги таъсирчанлик доираси кенглиги,

иккинчидан, кўп сонли турли тоифадаги аудитория қатламини бир жойга жам эта олиш имконияти,

учинчидан, йўналтирувчи, йўл бошловчи функцияси орқали давлат ва жамият ўртасида ишончли воситачи бўла олиш қобилиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.<sup>2</sup>

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий соҳага ихтисослашган юзга яқин оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Биргина телевидение мисолида оладиган бўлсак, телеканалларда айнан мазкур мавзуда йигирмадан ортиқ махсус кўрсатувларнинг мунтазам эфирга узатиб келинаётганлиги, информацион дастурларда инсон ҳуқуқлари ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида ёндашувнинг мавжудлиги, айниқса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, саъй-ҳаракатлар ва тадбирлар ҳақида мунтазам ахборотлар бериб борилаётганлиги биз сўз юритаётган миллий тизимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Биргина, 2013–2014 йилларда иш бошлаган «Madaniyat va ma'rifat», «Dunyo bo'ylab», «Diyor», «Bolajon», «Oilaviy», «Mahalla», «Mening yurtim» телеканалларидаги инсон тафаккурини бойитиш ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган кўрсатув ва дастурлар миллий кадриятларни ва истиқлол ғояларини аҳоли, айниқса ёшлар онгига сингдириш, болалар тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасалари масъулиятини оширишни тарғиб қилиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда иштирок этмоқда.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонга итоаткорлик ҳулқ-атворини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдиришда : жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонун бузилишига мурасасизлик муносабатини шакллантириш, уларга қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳиссини сингдиришга мақсадида телекўрсатувлар ,радиоешиттиришлар олиб боориш;

<sup>2</sup> М. З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухторов, Ж.Х.Юлдашев ва бошқ.; масъул муҳаррир И.Исмаилов /Ички ишлар органи фаолияти: ИИВ академик лицейлари учун дарслик /– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 382 б.



аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимни тарғиб қилиш ва қонунчилик нормалари мазмун-моҳиятини, шунингдек мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтиришда; ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар, ғайриижтимоий хулқли, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил ва содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитация ҳамда ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда; аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ахборот, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқишда;

Ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш борасида: жамиятда содир этилаётган айрим турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини фуқароларга етказиш; теледастурлар, кўрсатувларда ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга олиб келаётган шарт шароитлари ҳақида лавҳалар, роликлар тақдим этиш; телевидения, радио, газета ва журналларда ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга олиб келаётган шарт-шароитлари ва улардан жабирланиш шароитларини ёритишда; газета ва журналларда ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва олдини олиш ғояси сингдирилган хикоя ва мақолалар чиқариш; профилактика инспекторининг сайтида , интернет тармоғидаги бошқа сайтларда фуқароларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доир фикр ва мулохазаларини қолдириш, мурожат қилиш имконини яратиш ва ҳуқуқбузарликларга олиб келаётган сабаб ва шароитлар акс еттирилган видеороликларни намоёни қилишда ва бошқаларда намоён бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни
2. М. З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухторов, Ж.Х. Юлдашев ва бошқ.; масъул муҳаррир И.Исмаилов /Ички ишлар органлари фаолияти: ИИВ академик лицейлари учун дарслик /– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 382 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2018 йил 18 январь
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 191-сон буйруғи